

МАҲАЛЛИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИНГ ҲУДУДИЙ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Банноев Шокиржон Шарипжонович

Наманган давлат университети мустақил тадқиқотчиси
sbannoyev585@mail.ru +998-94-300-80-47

Минтақавий озиқ-овқат бозори назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ҳудудий классификацияни ёки маъмурий бўлинишни юзага келтиради. Ҳудудлараро интеграцияда маъмурий табақаланиш ва ихтисослашувни ҳисобга олиш кутилган илмий натижаларни беради. Шу жиҳатдан, бир хил табиий-иктисодий шарт-шароитларга эга бўлган алоҳида ҳудудни танлаб олиш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро мажмуя ҳосил қилувчи тизимларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бизнингча, озиқ-овқат бозорининг ҳудудий жиҳатдан табақаланишини қўйидаги минтақалар доирасида кузатиш мумкин: маҳаллий озиқ-овқат бозори ва туманлараро озиқ-овқат бозори.

Юқоридаги ҳудудий табақаланишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, бунда маҳаллий озиқ-овқат бозори асосий ихтисослашув омилларини белгилаб беради. Мазкур холат табиий ва ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш корхоналари жойлашувининг асоси ҳисобланади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг маълум бир тури билан таъминлаш мавжуд корхоналар доирасида амалга оширилади ва корхоналар бир-бирини тўлдириб туради. Шу билан бирга, туманнинг маъмурий чегараланишига мос ҳолда ишлаб чиқариш тармоқлари уйғунашади ва бошқарув жараёнини ифодалайди.

Маҳаллий даражадаги ишлаб чиқариш тармоқларида табиий омилларнинг таъсири яққол намоён бўлади. Жумладан, тоғ олди ҳудудларда боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик, текислик ҳудудлари сабзвотчилик, полизчилик, сақлаш ва қайта ишлаш тармоқлари жойлашади. Маҳаллий озиқ-овқат бозори ушбу тармоқлар билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида бир-бирини тўлдиради ва мажмуали характер касб этади. Маҳаллий озиқ-овқат бозори доирасида интеграциянинг ривожланиши туманлараро алоқаларнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Туманлараро озиқ-овқат бозори ихтисослашган қишлоқ ҳўжалиги корхоналари билан қайта ишлаш саноати ўртасидаги интеграцияни

ифодалайди. Бунда умумий агроиқлимий хусусиятларга эга бўлган икки ва ундан ортиқ туман қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа тумандада жойлашган қайта ишлаш корхоналарига ўз маҳсулотларини сотишлари мумкин.

Минтақа ҳудудларининг ихтисослашуви дончилик, картошкачилик, сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик, чорвачилик ва озиқ-овқат саноатининг ривожланганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, ихтисослашув ҳолатига кўра ноқулай, қулай ва жуда қулай шароитлари билан ҳам характерланади. Бунда ижтимоий-иқтисодий ҳолат, агроиқлимий шарт-шароитлар, аҳолининг меҳнат малакалари ва моддий-техник база ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Табиий-иқтисодий шароитларнинг ўзгарувчанлиги озиқ-овқат таъминотининг пасайишига ва аҳолининг зичлиги юқори бўлган ҳудудларга салбий таъсир кўрсатди. Шу жиҳатдан, табиий-иқтисодий шароитларда муҳим фарқларга эга бўлган минтақа учун энг муҳим вазифа – ихтисослашган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этишdir.

Маълумки, ҳудудий меҳнат тақсимоти асосида ишлаб чиқаришни ихтисосластириш амалга оширилади. Ихтисослашув билан ишлаб чиқариш жараёнларининг яқин бирлиги йирик саноат тармоқларининг шаклланишига олиб келади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва диверсификациянинг кучайиши (янги ва алоҳида тармоқларнинг пайдо бўлиши) кузатилади.

Аммо, қишлоқ хўжалигидаги мазкур жараёнларнинг мураккаблигини ҳисобга олиш керак. Тўлиқ технологик цикла эга бўлган корхоналарнинг ташкил этилиши, бир томондан, маълум даражада концентрация кўлами ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради, аммо бошқа томондан, бундай хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг оқилона даражаси ва хажмидан ошиб кетиши бутун ҳудуд бўйича улкан нисбатларни вужудга келтириши мумкин. Шу муносабат билан, интеграцион жараёнларни ривожлантириш ва интенсив омиллардан тўлиқ фойдаланиш учун шароит яратадиган иқтисодий маконни шакллантириш керак. Бу эса, ишлаб чиқарувчилар, қайта ишлаш саноати ва савдо корхоналарини бирлаштиришни талаб этади.

Масалан, минтақада туманлараро ва хўжаликлараро ихтисослашувдан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга, маҳаллий бозор учун ресурсларни шакллантиришга қаратилган вазифаларга эътибор берилмайди. Бу шуни англатадики,

ишлиб чиқаришни ихтисослашуvinинг чуқурлашиши билан боғлиқ бўлган табиий ва ташкилий-иқтисодий омилларни нафақат мажмуали равишда, балки нисбий афзаликлар нуқтаи назаридан ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Албатта, бозор муносабатлари шароитида хўжаликлар, тармоқлар ва ҳудудлар ўртасидаги манфаатли ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга бир қанча омиллар тўсқинлик қиласди. Биринчидан, корхоналар домий равишда иқтисодий мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қиласди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи аксарият ҳолларда қайта ишлаш саноати томонидан белгиланади. Учинчидан, ҳар бир ҳудуд алоҳида иқтисодий макон сифатида шаклланишга ҳаракат қиласди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлиб чиқарish имкониятлари ёки иқтисодий салоҳияти биринчи навбатда мавжуд ер ресурслари, уларнинг ҳолати ва сифати билан белгиланаётганлигини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Шу боис, ер майдонлари нисбатан қўпроқ ва бу майдонларни кенгайтириш имконияти юқори бўлган туманлarda якка мулкчилик асосида хўжалик субъектларини, бундай имкониятлар мавжуд бўлмаган бошқа туманлarda эса шерикчилик мулкка асосланувчи кластерлар ёки кооперация кўринишидаги хўжалик субъектларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бунда барча хўжаликлар мулк шаклидан қатъий назар юқори даражада иқтисодий мустақилликка эга бўлишлари лозим. Юқори даражадаги иқтисодий мустақиллик берилиши уларнинг бозор шароитларига талофатсиз ўтиши учун реал имкониятларни вужудга келтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Christopher L. Waltz. Local food systems: background and issues. - New York: Nova Science Publishers, 2011. – pp. 26-27.
2. Feenstra, G. Creating space for sustainable food systems: lessons from the field// J. Agriculture and Human Values. – Kansas: № 19 (2), 2002. – pp. 99-106.
3. Kristine Hahn. What is a food shed?// Michigan State University Extension. – Michigan: 24 (3), 2013.
https://www.canr.msu.edu/news/what_is_a_food_shed
4. One Hundred Tenth Congress of the United States of America, at the Second Session. – Washington: An Act, 2008. - p. 245.

<https://www.govinfo.gov/content/pkg/BILLS-110hr2419enr/pdf/BILLS-110hr2419enr.pdf>

5. Jonnie B. Dunne, Kimberlee J. Chambers, Katlyn J. Giombolini and Sheridan A. Schlegel. What does "local" mean in the grocery store? Multiplicity in food retailers' perspectives on sourcing and marketing local foods// J. Renewable Agriculture and Food Systems. - Cambridge: № 26 (1), 2011. – pp. 46–59.